# СУҒД ВИЛОЯТИДАГИ МЕҲНАТ ЗАХИРАЛАРИНИГ САНОАТ ЖОЙЛАШИШИДАГИ РОЛИ

**Абдуназарӣ Мавзуна Кобулзода**
Академик Бобожон Ғафуров номидаги ХДД геоэкология ва туризм факултети катта ўқитувчиси

Аҳоли кам яшайдиган ҳудудларда жойлашган кон тармоқлари, хом-ашё манбаларининг мавжудлиги ва янги фойдали қазилмалар конларининг очилиши билан боғлиқ бўлиб, меҳнатга лаёқатли аҳоли ишчи кучига эга бўлса, қайта ишлаш ва маҳсулот ишлаб чиқариш хом-ашё мавжудлилигига боғлиқдир. Ушбу саноат тармоқлари ҳамда корхоналарнинг аҳоли жойлашиши ва меҳнат ресурсларини мавжудлигини ҳисобга олган холда жойлаштирилиши лозим.

Меҳнат ресурсларининг кўпайиши аҳолининг табий ўсиш даражаси ва умумий сонига боғлиқдир. Жамият ишлаб чиқаришида иштирок этувчи меҳнатга лаёқатли аҳолини ***меҳнат ресурслари*** деб атаймиз, бу эса аҳолининг бир қисми ишлаб чиқариш билан шуғулланиши ва қолганлари эса ишсизлигини кўрсатиб беради.

Аҳоли кам яшайдиган ҳудудларда жойлашган тоғ-кон маҳсулотлар тармоқлари хом-ашё манбаларининг мавжудлилиги ва янги фойдали қазилма конларининг очилиши билан боғлиқ бўлса, меҳнатга лаёқатли ишчи кучи зарур ҳисобланади. Қайта ишлаш ва махсулот ишлаб чиқариш тармоқлари хом-ашё мавжудлигига камроқ боғлиқдир. Чунки ушбу корхоналар асосан аҳолининг жойлашиши ва меҳнат ресурсларининг мавжудлилигини ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилиши керак. [1].

Суғд вилояти ўзининг географик ўрни, жойлашиш хусусияларига кўра, шароити ва табий ресурслари, аҳоли ва меҳнат ресурслари, ишлаб чиқариш кучларининг худудий ривожланиши ва бошқалар билан республиканинг бошқа вилоятларидан ажралиб туради. Мамлакат миқиёсида иқтисодиётида сифатан ўзига хос мавқеъга эга бўлиб, бу эса давлатнинг энг муҳим регионлигини кўрсатиб беради, чунки таҳлиллар шуни кўрсатадики бир қатор ишлаб чиқариш тармоқлари маҳаллий хом-ашёга асосланган бўлиб, Суғд вилояти ҳудуди минерал хом-ашёларга бой, халқ хўжалигининг турли тармоқларини ривожлантириш учун кенг имкон яратувчи маскандир.

Саноат ишлаб чиқариш муносабатларини шаклланиши ва ривожланишига, тармоқлараро алоқаларнинг мустахкамлиги ва жамиатда ишлаб чиқаришининг барқарор жараёни катта таъсир кўрсатади. Янги ва қўшимча иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлигини таъминлашда соҳаларнинг ўрни каттадир. Айниқса саноатнинг ривожланиши қишлоқ ва шаҳар ўртасидаги фарқнинг йўқолиб,

қишлоқда яшаш шароит даражасининг шаҳар шароитига яқинлашиши демакдир [8].

Вилоят аҳолисининг асосий қисми қишлоқларда жойлашган бўлиб, аҳолисининг табий ўсиши шаҳарларга нисбаттан юқори, шунинг учун қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳолининг бир қисмини иқтисодиётнинг бошқа сохаларига кўчириш ва доимий иш билан таъминлаш давлатнинг асосий мақсади ва вазифаларидан ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, вилоят қишлоқ хўжалиги хом-ашёсига бой худудларга замонавий саноат корхоналарини барпо этиш, аҳолига турли хизматлар кўрсатувчи корхоналарни ташкил этишга катта эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги вақтда вилоятда саноат сохасига хорижий капитал ва кредитларни жалб этиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирги кунда вилоят худудига хорижий капиталлар жалб қилиниб, саноат корхоналарининг эски жиҳозларини замонавий асбоб-ускуналар билан алмаштириш, маҳсулотларни бозорда рақобатбардош бўлган янги техника ва технологияга эга бўлган кичик ва ўрта саноат корхоналарини барпо этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу турдаги ишлаб чиқариш корхоналарини реконструксия қилиб, қуришга жалб қилинган сармояларни жуда қисқа муддатда тўлаш мумкин. Замонавий саноат корхоналарини барпо этиш устувор йўналишлар сифатида ҳудудларнинг иқтисодий ривожланиш даражасидаги кескин тафовутларни бартараф этиш, биринчи навбатда табий ва иқтисодий ресурсларга эга ҳудудларни ривожлантириш ва қайта ишлаш корхоналарини ташкил этишга эътибор қаратилади.

Хусусан бу борада Суғд вилоятининг географик ўрни ва аҳамияти катта бўлиб, давлат мустақилликка эришгач, бу сохада бошқарув, иқтисодий, институтсионал ва таркибий тузумларида туб ўзгаришлар рўй берди.

Саноат вилоят аҳолиси иқтисодиётларининг муҳим тармоқларидан биридир. Вилоят халқ хўжалигига техниканинг изчил татбиқ этилиши ва мамлакатнинг мудофа қобилияти ҳудуднинг саноатини ривожланиши билан бевосита боғлиқ. Вилоят саноати табий ресурслар, электр-энергия ресурслари, қишлоқ хўжалиги хом-ашёси, етарли миқдорда меҳнат ресурслари мавжудлилиги асосида ривожланган.

Суғд вилоятидаги саноат тармоқлари мамлакат иқтисодиётидаги миллий даромаднинг 13-14% ини ташкил қилади.

**Суғд вилоятида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсаткичлар, миллион сомоний (2020 йил нархларида)**

| Саноат тармоқлари | 2010 йил | 2013 йил | 2015 йил | 2017 йил | 2019 йил | 2020 йил | 2010 йил, 2020 йил |
|---|---|---|---|---|---|---|---|

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | **учун % далил билан** |
| Ҳамма саноат тармоқлари | 1292 | 1816 | 2200 | 2775 | 3536 | 2488 | 192.5 |
| ***Шулар жумласидан*** | | | | | | | |
| Оғир саноат тармоқлари | 928.3 | 1211 | 1411 | 1799 | 2255 | 1024 | 110.3 |
| Энергетика саноати тармоқлари | 101.4 | 126.5 | 144.1 | 246.1 | 244.5 | 285.8 | 2,8 маротаба |
| Металлни қайта ишлаш тармоқлари | 773.3 | 1021 | 1182 | 1425 | 1803 | 485.2 | 62.7 маротаба |
| Қурилиш саноати тармоқлари | 10.4 | 14.8 | 25.7 | 43.8 | 61.8 | 81.2 | 10,4 маротаба |
| Енгил саноат тармоқлари | 139.6 | 187.8 | 237.2 | 299,8 | 341,7 | 323.3 | 2,3 маротаба |
| Озиқ-овқат саноати тармоқлари | 223.6 | 417,7 | 551,6 | 676,0 | 938.4 | 1140 | 5,1 маротаба |

Суғд вилояти саноат махсулотларини ишлаб чиқаришнинг сезиларли даражада ўсди. Шулар жумласидан: оғир саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 10,3%, электр-энергия 181,8%, енгил саноат 131,5% ни ташкил этди. Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва озиқ-овқат саноати тармоқлари маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 5,1-10,0 баробарга ошди [3].

Енгил саноат тармоқлари орасида озиқ-овқат саноати тармоқлари алоҳида ўрин эгаллайди. Мамлакат саноат маҳсулотларининг 32,9% дан ортиқроғини озиқ-овқат саноат тармоқлари ишлаб чиқаради. 2020 йилда вилоят саноат тармоқларида 2010 йилга нисбатан 92,5 %га кўп маҳсулот ишлаб чиқарди.

Вилоятнинг тадқиқ бўлаётган ҳудудларида хорижий капитал ва дунёнинг айрим мамлакатлари билан коорпарация асосидаги 17 корхона ташкил этилиб, республикадаги саноат тармоқлари орасида алоҳида ўринни эгаллайди. Хусусан “Зарафшон”, “Оби Зулол”, “Абрешим”, “Жавоний” корхоналари, “Адрасмон” минерал қидирув комбинати ва бошқалар бунга мисол бўла олади.

Вилоятда темир рўдаси конлари кам бўлганлиги сабабли қора металлургия саноати ривожланмаган, шунинг учун атомобил ишлаб чиқариш ва уни ташкил этишда метални эритиш бу худудда амалга оширилмаган бўлиб, металлни

қайта ишлаш цехлари мавжуд халос. Бундай цехларга маиший машиналар қисмлари ишлаб чиқариладиган “Торгмаш” заводи, Конибодом шаҳрида “Бодом” аксиядорлик жамияти, Бўстон шаҳрида “Шарқ нодир металлари (Востокредмет)” минерал кимиё заводлари киради [9].

Суғд вилояти мамлакат миқиёсида фойдали қазилмаларга бой бўлган худудлардан ҳисобланиб, 214 турдаги турли конлар мавжуд, шулардан 16 та қўрғошин ва рух конлари, 15 та тилло кони, 11 та нефт ва газ конлари, 3 та мис ва висмут рўдалари, темир, молибден ва бошқа кон захиралари мавжуд бўлиб, дунёда ва мамлакат миқиёсида алоҳида мавқега эга. Масалан “Кони-Мансур” кумуш кони йилига 50 тоннагача кумуш ишлаб чиқариш билан дунёда биринчи ўринни эгаллайди. Суғд вилояти мамлакат миқиёсида руда, сурма ва симоб қазиб олиш бўйича ҳам биринчи ўринда туради. Вилоят ҳудудида қурилиш материалларидан ғишт, шағал ва қум ишлаб чиқариш учун хом-ашё, албастер, турли хилдаги буёқ хом-ашёлари мавжуд бўлиб, ҳозирги кунда ишлаб чиқарилмоқда.

Енгил саноат сохасининг ҳажми 47,7%, ишлаб чиқаришнинг 9,7%, саноатдаги банд аҳолининг 38% ини ташкил этади. 140 ортиқ саноатларни ўз ичига олиб асосий тармоқлари пахтани қайта ишлаш, тўқувчилик, ипак, гилам, чарму пойафзол ишлаб чиқариш ва қишлоқ ҳўжалиги билан боғлиқ бўлган корхоналарда пахта, зиғир, лавлаги, кунгабоқар, тери, жун, пилла, асал ва бошқа маҳсулотлар олинади[2].

Вилоят ҳудудида 15 дан ортиқ пахта тозалаш корхоналари мавжуд бўлиб, енгил саноатдаги аҳоли бандлигини 5,7% ини ташкил қилади. Бу тармоқнинг ривожланиши вилоятда пахта ҳосили ва уни ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ бўлиб, вилоят корхоналарида пахтани қайта ишлаш ҳажми йилдан-йилга ортиб, енгил саноат тармоқларида хизмат қилаётган аҳолининг сони 14,3% ташкил қилади. Пахтадан газлама ишлаб чиқарувчи йирик заводлар Хужанд ва Конибодом шаҳарларида жойлашган.

Ҳозирги кунда Хужанд шаҳрида Италия, Хитой ва Жанубий Кореялик ишбилармонлар билан меҳнат қилаётган бир қанча қўшма корхоналарда махаллий матолардан кийим-кечак, шим ва курткалар ишлаб чиқарилмоқда. Таъкидлаш жоизки озиқ-овқат саноати агросаноатнинг муҳим тармоқларидан бири бўлиб, аҳолининг озиқ-овқат билан таъминлашда ун, мева ва сабзавот консервалари, гўшт ишлаб чиқариш, сут, тамаки махсулотлари, вино, шарбат ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш муҳим рол ўйнайди.

Озиқ-овқат саноати корхоналари йирик шаҳарларда ёки хом-ашёга яқин жойларда жойлашган бўлиб, вилоятдаги дастлабки озиқ-овқат корхоналари Конибодом шаҳридаги мева-сабзавот консерва заводи, Панжикенддаги спирт (вино) заводи, Хужанд, Хистеварз, Девештич ва Исфара консерва заводлари

мисол бўла олади. Мамлакатнинг бошқа вилоятларига нисбатан Суғд вилоятида озиқ-овқат саноати корхоналари ривожланган.

**Суғд вилоятидаги ўрганилаётган кичик корхоналар фаъолияти.**

| | 2010 йил | | 2014 йил | | 2018 йил | | 2020 йил | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Кичик корхоналар сони | 1323 | 399 | 1483 | 392 | 1669 | 421 | 1801 | 436 |
| Ходимлар миқдори (нафар) | 14488 | 4242 | 16538 | 5037 | 17190 | 4198 | 18132 | 4413 |
| Маҳсулотлардан олинадиган даромад (млн. сом.) | 270.3 | 82.8 | 346,8 | 67.2 | 435.2 | 66.2 | 534,7 | 76.4 |
| Иш ҳаққи (млн. сом) | 10.7 | 1.8 | 15.7 | 3.1 | 19.3 | 3.0 | 26.3 | 4.5 |

2010-2020 йилларда вилоятда жойлашган кичик корхоналарда даромадлар 7,7%га камайди, бунинг асосий сабаби кўпчилик корхоналарнинг рақобатининг йўқлигидир.

2020 йилда республикада кичик корхоналар ходимларнинг иш ҳаққи 2003 йилга нисбатан 58,1% га ошди. Бу эса биринчии навбатда пул инфилятсияси, иккинчидан корхоналарнинг янги техника билан жиҳозлаш ва ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жорий этиш билан боғлиқ бўлиб, бу харакат эса соҳаларда товар айрибошлаш ҳажмининг ошишига олиб келади. Агар 2010 йилда вилоятда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш республика умумий ҳаҷмининг 22,7% ташкил этган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич икки баробарга ошиб, 47,2 % етди [9].

| **Йиллар** | **Тоҷикистон Республика** | **Суғд вилояти** | **Суғд вилояти улуши, %** |
|---|---|---|---|
| **2010** | 10019,9 | 2271,1 | 22,7 |
| **2011** | 10591,0 | 2811,7 | 26,5 |
| **2012** | 11734.8 | 3253.1 | 27.8 |
| **2013** | 12180,8 | 3594,7 | 29,5 |
| **2014** | 12789,8 | 4662,3 | 36,4 |
| **2015** | 14235,0 | 5487,5 | 38,5 |
| **2016** | 16512,6 | 7655,1 | 46,3 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| **2017** | 20029,8 | 10066,4 | 50,2 |
| **2018** | 23894,0 | 11498,4 | 48,1 |
| **2019** | 27613,0 | 13053,6 | 47,2 |

Суғд вилоятида 688 та турли саноат корхоналари маавжуд бўлиб, бу мамлакат ҳудуддаги ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг 30,8%ини ташкил этади. Бу кўрсаткич эса 606 та ёки мамлакат миқиёсидаги умумий ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг 21,2% ташкил этди.

| | **Саноат маҳсулотларини хажми** | | | **Ходимлар миқдори** | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **Кўрсаткичлар** | **1990 йил** | **2010 йил** | **2019 йил** | **1990 йил** | **2010 йил** | **2019 йил** |
| **Саноат тармоқлари** | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 |
| **Шулар жумласидан:** | | | | | | |
| Электр энергия саноати | 0,6 | 5.6 | 7.9 | 1.7 | 22.6 | 14.3 |
| Ёқилғи | 0,5 | 2.0 | 2.5 | 3.0 | 4.6 | 4.4 |
| Рангли металлургия | 5.2 | 32.6 | 23.3 | 4.0 | 24.7 | 22.0 |
| химия | 8.2 | 2.2 | 0.4 | 6.9 | 3.2 | 3.0 |
| Машинасозлик ва қайта ишлаш | 8.3 | 0,5 | 23.4 | 17.0 | 2.5 | 1.9 |

Статистическиӣ сборник Согдиӣскоӣ области. Главное Управление Агентства, но статистике при Президенте РТ в Согдиӣскоӣ Области.

1990-2019 йилларда Суғд вилоятида саноат тармоқлари таркиби (%)

Вилоятда пахта, бошоқли дон (буғдой, арпа, сўли, шоли), картошка, ем-хашак, мойли ўсимликлар (кунгабоқар, зиғир), узумзорлар мавжуд. Чорвачиликда қора мол, паррандачилик, балиқчилик ривожланган бўлиб, булардан ташқари асаларичилик ҳам жуда яхши ривожланган. Суғд вилояти умуман мамлакатнинг барча қишлоқ хўжалиги экинларини 31%, меванинг 35,3%, бошоқли донларнинг 35,9 % ини, ем-хашак маҳсулотларини 43,7% ини ташкил қилади.

2020 йилда Суғд вилоятида 231,5 минг тонна ғалла ва 124,8 минг тонна пахта етиштирилди, бу эсамамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг мос равишда 23,1 - 22,7% ини ташкил этади[3].

**Адабиётлар:**

1. Хоналиев Н. Экономическая история и концепция развития промышленности Таджикистана. – Душанбе: Ирфон, 2010 год
2. Худойбердиев С. Ҷуғрофияи иқтисодӣ ва иҷтимоии Тоҷикистон. Нашриёти «Ношир» соли 2012.
3. Статистический сборник Согдийской области. Главное Управление Агентства, но статистике при Президенте РТ в Согдийской Области.
4. Борисов В.А. «Демография» (олий ўқув юртлари учун қулланма), М.1999 год.
5. Манбаъ: саноати ЧШС Тоҷикистон барои соли 1990 (маълумоти омори аз ҳисоботи солона) Душанбе, 1991. - 15-18 саҳифалар;
6. Саноати Ҷумхурии Тоҷикистон. Омори солонаи Ҷумхурии Тоҷикистон, Душанбе, 2011сол. 52саҳифа.
7. Давиденко И., Кеспер Я. Ресурсы цивилизации. – М.: ЭКСПО, 2005год.
8. Тураева М.О. Национально хозяйственная система Республики Таджикистан в экономическом пространстве Центральной Азия: механизме регулирования и приоритеты развития. М. 2012 год 319саҳифа.
9. Манбаъ: Статистический сборник Согдийской области. Главное Управление Агентства по статистике при Президенте РТ в Согдийской Области.